Демографик статистика қандай шакллантирилади?

Янги йилнинг илк кунида Ўзбекистонда 2 316 нафар чақалоқ дунёга келди. Вилоятимизда бу кўрсаткич 115 нафарни ташкил қилган. Республика бўйича бу — 10- кўрсаткич.

2021 йилнинг 1 январь куни мамлакатимизда 1 644 та туғилиш ҳолатлари қайд қилинган эди.

Ушбу статистик маълумотлар ижтимоий тармоқларда кенг таркалган 2022 йилнинг илк демографик статистикаси бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Демографик статистика -аҳоли статистикаси бўлиб, аҳоли ва унинг алоҳида гурухларининг миқдори, таркиби, жойлашиши ва такрор барпо бўлиши ҳақидаги статистик услуб асосида маълумотлар тўплаш, уларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан шуғулланади. Демографик статистика аҳолининг демографик ҳолати, яъни туғилиш, ўлиш, никоҳ ва ажралиш, аҳолининг табиий ўсиши ҳақидаги рақам кўрсаткичлар йиғиндисидан иборатдир.

Демографик жараёнларни мамлакат ҳаётининг барча соҳаларига таъсири бор. Аввало, ушбу маълумотлар аҳолининг меҳнат билан бандлик ҳамда ишсизлик даражасининг миқдорига, ялпи ишлаб чиқаришнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад кўрсаткичларига, уй-жой билан таъминлаш, пенсия ва нафақа таъминотининг шакланишига таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда аҳоли ва унинг ҳолати статистикасини шакллантиришда Адлия вазирлиги давлат хизматлари агентлигининг ФХДЁ органлари томонидан тақдим этиладиган фуқаролик ҳолати далолатномалари, яъни туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралишларни рўйхатга олиш маълумотлари, ички ишлар бошқармасининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларининг келиш ва чиқиш варақалари статистик купонлари ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармасининг маълумотлари асос бўлиб хизмат қилади.

Вилоят статистика бошқармаси томонидан демографик ҳолатга оид барча маълумотлар интеграция қилиниб, яъни умумлаштирилиб, кодлаштирилади ва шулар асосида ягона электрон база шакллантирилади.

Қарийб 30 йилдан ортиқ давр мобайнида мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилмаганлиги боис, демографик статистика 1989 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш натижаларидан фойдаланган ҳолда тузилмоқда.

Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11ноябрдаги 710-сон қарори билан республикамизда аҳолини рўйхатга олиш тадбири 2023 йилнинг 1-25 ноябрь кунлари ўтказилиши белгиланди. Бу ўз навбатида демографик маълумотларни янада ишончли, очиқ ва шаффофлигини таъминлашга, ундан фойдаланувчилар учун янада қулайлик ва имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Хоразм вилояти статистика бошқармаси ахборот хизмати

КИШ КОВОК МАВСУМИМИ?

Қиш фаслида юртдошларимиз қовоқли таомларни кўп истеъмол қилади. Қовоқ сомса, манти, барак, димлама ва бошқа таомлар жонга қувват бахш этади. Ёши катталар "Қовоқ об туғсан пайтингда олган нафасинг хисобланмайди" дейишади. Бу беҳзи эмас. Сабаби, қовоқ витамину минераллар, углеводларнинг кони бўлиб, соғлом турмуш кечиришда муҳим аҳамиятга эга. Қовоқдан тайёрланган таомларни истеъмол қилганда организм етарли миқдорда макро ва микроэлементлар, витаминлар билан таъминланади.

Хусусан, унинг таркибида А, С, Е, К, Т, РР, шунингдек, В1, В2, В5 ва В6 витаминлари мавжуд. Бундан ташқари, жуда кўп миқдорда қимматбахо толалар, каротин ва пектин моддалари, шунингдек, турли хил органлар ва тизимларнинг саломатлигини таъминлайдиган минераллар - калий, кальций, магний, рух, мис, темир ва фосфор каби моддалар бор.

Жумладан, таркибидаги В1 витамини углеводлар алмашинувида иштирок этади. Унинг етишмаслиги асаб тизими хаталиги ва юрақ-қон томири тизими фаолиятининг бузилишига олиб келади. В2 дармондорси (рибофлавин) турли ферментларнинг таркибига кириб, организмда кечадиган реакцияларда иштирок этади. Унинг етишмаслигида ангуляр стоматит кузатилади.

В6 витамини эса оқсиллар алмашинувида иштирок этади. Ушбу витаминнинг етишмаслиги сабабли болаларда асаб толаларининг тортишишлари ва дерматит яъни тери яллиғланиши ривожланади.

В9 витамини (фолий кислотаси) - оқсиллар, холинлар алмашинувида иштирок этади. Қовоқ таркибида қаришнинг олдини оладиган моддалар бўлади. Шунингдек, унда жинсий безлар фаолиятини оширувчи Е витамини мавжуд. Пустлоғида эса кўп миқдорда пектин ва клечатка бор.

Қовоқ уруғи ҳам шифобахш. Липидлар, оқсиллар, витаминлар ва минерал тузлар кўп. Қовоқ уруғида бош мия учун фойдали рух моддаси, А, С ва Е витаминлари мавжуд. Рух қонда тўқима регенерацияси учун масъул, инсулин хосил бўлишини ва мушаклар қисқаришини бошқаради, простата ва кўпайиш аъзолари фаолиятини меъёрлаштиради, эркаклик хусусиятини ва қоннинг яллиғланишга қарши хусусиятини оширади. Рух таъм ва ҳид сезгиси бузилишини тиклашда ёрдам беради. Хотира мустаҳкамлиги, тўқималарнинг ўсиши ва оқсиллар синтезида муҳим рол ўйнайди. Қовоқ уруғи ва танадаги захарли токсинларни бартараф этиб, баданнинг ортиқча вазнини камайтиради. Қовоқ уруғи целлюлозага ва тўйинмаган ёғ кислоталарига, магнийга бой бўлиб, булар мия учун фойдали.

Қовоқ ўт пуфагининг мотор фаолиятини яхшилайди, шунингдек, холециститда ҳам жуда фойдалидир. Қовоқ шарбати буйрак ва жигар тизимини тозалаб, ишлашини қучайтиради. Пиелонефрит, ўткир ва сурункали цистит ларда ва уретритларнинг баъзи кўринишларида кунига икки мартадан 50 грамм қовоқ бўтқаси ейиш фойдали, Жигар хасталиклари: гепатит, холецистит, цирроза қўлланилади.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, ҳом қовоқ ва унинг шарбатини меъда шираси пасайган турдаги гастритда, шунингдек, ошқозон яраси, қандли диабетнинг оғир шаклларида истеъмол қилиш мумкин эмас.

Максуд АБДУРАХМОНОВ,
Абу Али Ибн Сино номидаги Урганч жамоат саломатлиги техникуми махсус фанлар кафедраси ўқитувчиси

"ТАРБИЯСИ ОҒИР БОЛАЛАР" улар билан қандай ишлаш керак?

Шарқ халқлари, жумладан ўзбеклар болалар тарбиясига бефарқ қарамаганлар. Ҳаётдаги хар қандай хатти-харакатларнинг ҳам оқибати тўғри бахоланган. Ёшга монанд таъсир кўсатиш йўл ва воситалари яратилган. Керак бўлганда рағбатлантириш турларидан фойдаланилган, лозим бўлса жазоланган. "Бир болага етти қўшни ота-она" деб бежиз айтилмаган. Тарбия борасида хатоликка йўл қўйган бола у кимлигидан қатъи назар жазоланган. Ноахлоқий хатти-харакатларни қисқа ва лекин ўта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган "Ёмон бўлади" ибораси билан тавсифланган. Бунда боланинг ёши, хатти-харакатлари, ўзига хос хусусиятлари хисобга олинган. Айримларига ноахлоқий хатти-харакатларнинг ёмонлиги қуръони карим, ҳадислардан мисоллар келтириш, хикоялар айтиб бериш орқали ифодаланса, айрим ёшдаги болалар ота-она, ака-ука, опа-сингил, қўни-қўшниларнинг ижобий хатти-харакатлари намунасида тарбияланган. Бундай ахлоқий фазилатлар бола ақлини танимасдан, гапиришни билмасдан олдин ота-оналар турмуш тарзида ифодаланган. Кейинчалик эса, "ёмон бўлади" ибораси орқали давом эттирилади.

Бугунги кунда таълим тизими олдида турган энг долзарб вазифа ижтимоий фаол авлодни тарбиялашдир. Ижтимоий фаолликнинг асосий механизми хисобланган соғлом турмуш тарзини оилада қарор топтириш, сўнгра уларда бошланғич касб эгаллаш сирларини ийғотиб бориш керак. Бунда таълим ва тарбия ишида мактаб-оила-маҳалла, ички ишлар бўлимлари, маҳалла профилактика нозирлари ҳамкорлигини кучайтириш орқали, ўқувчиларнинг дарсдан кейинги бўш вақтини назорат қилиш ва бошқаришнинг самараси катта. Болаларнинг миллий ахлоққа зид ахборотлардан химояланишдаги ҳамкорлик қўламида мактаб, оила ва жамоатчилик етакчилик қилади. Бу жараёнларда мактаб, маҳалла, оила ҳамкорликда турли мавзуларда суҳбатлар, кечалар уюштириш, намунавий билимли ва яхши хулқли болаларга бириктириш усулидан кенг фойдаланиш лозим бўлади.

Мактабдан ташқари мухитнинг таъсиридаги нуқсонлар, чунончи, оиладаги педагогик - психологик билимларнинг етишмаслиги, оилавий низолар, ажралиш, ота-онанинг ички лиқлиги берилиши, балоғатга етмаган тенгқурларнинг таъсири, маданий - маърифий ишлаб чиқариш жамоаларида ҳамда жамоатчилик қуршовидаги камчиликлар ҳам тарбияси оғир вояга етмаган ёшлар кўпайишига сабаб бўлади.

Баҳром ЮСУПОВ,
Урганч туман юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсульти

XORAZM TIBBIYOTI МЕДИЦИНА ХОРЕЗМА
МУАССИС:
Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят врачлар ассоциацияси, вилоят ҳамширалар ассоциацияси

ИЖРОЧИ МУҲАРРИР: Мухаббат ТЎРАБОЕВА

Навбатчи: Назокат ЖУМАБОЕВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иноят Ҳажиев,
Саньат Салаев,
Содиқжон Содиқов,
Кўпалбой Тангрибердиев
Светлана Полвонова,
Зоя Шукурова,
Дилбар Бекжонова,
Фарҳод Якубов

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Урганч шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 16-ўй, Телефон: 62 223-27-53
эл.манзил:xorazmtibbiyoti@inbox.uz
Газета ойда бир марта чиқади.
Буюртма № 114
Вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 8 ноябрда 13-038 рақам билан рўйхатга олинган.
Бахоси келишилган нархда.

Газета «Урганч Мастер сервис» хусусий корхонаси босмахонасида саҳифаланди ва чоп этилди. Урганч шаҳри, Хива кўчаси 106/1 уй145. ТЕЛ: 62 229-35-55.
Босмага топшириш вақти 18.00 Топширилди 17:30.
Нашр кўрсаткичи: 8042 Нусхаси: 950

ISSN 2181-5666
Tezkor Matbaa

Соғлиқ - табиатдан, Ўзлик - Ҳақ, сақлаш - инсониятдан!

XORAZM TIBBIYOTI МЕДИЦИНА ХОРЕЗМА

Газета 2010 йил июль ойидан чиқа бошлаган. 2022 йил, январь 1(139) /// Вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари газетаси /// www.xorazmtibbiyoti.uz

2022 — Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

НОЁБ АМАЛИЁТ ЎТКАЗИЛДИ

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида илк бор В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг бир гуруҳ шифокорлари ҳамкорлигида буйрак трансплантацияси амалиётлари ўтказилди.

Кейинги йилларда тиббиёт соҳаси жадал ривожланмоқда. Вилоятимиз тиббиёт муассасаларида ҳам даволашнинг замонавий, самарали усуллари татбиқ қилинмоқда. Шу мақсадда хорижнинг етакчи клиникалари, республика тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб, ходимлар малакаси мунтазам оширилмоқда.

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида бу борада сезиларли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ билан ҳамкорликда фаолиятга кам инвазив амалиётлар кенг жорий қилинмоқда. Марказда илк бор ўтказилган буйрак кўчириб ўтказиш амалиётлари мана шу хамкорлик самарасидир. Бу амалиётга пухта тайёргарлик кўрилди. Жумладан, бир гуруҳ маҳаллий шифокорлар 3 ой давомида В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ да малака оширидилар.

Буйрак кўчириш амалиётларига етук жарроҳ Азамат Суюмов рахбарлик қилди. Республика маркази шифокорлари Зохид Маткаримов, Илхомбек Комилов ҳамда Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази шифокорларидан Шухрат Эгамбердиев, Олимбой Матқурбонов, Маркс Собиров, Шерзод Юлдошев, Хурсанд Камолов ва ҳамширалар бор махоратларини ишга солиб, амалиётлар самарали ўтишини кафолатлашди. Дастлаб 1979 йилда туғилган Ҳамдам Аллаберганова турмуш ўртоғи буйраги кўчириб ўтказилди. Бемор бир неча йилдан буён буйрак касаллигидан азият чекиб, 2021 йил август ойидан реажали гемодиализ муолажалари олиб даволаниб келган. Беморнинг операция учун сарф харажатлари имтиёзли ордер асосида бюджет маблағлари хисобидан қоплаб берилди.

Иккинчи бемор Қорақалпоғистон Республикасидан Эркинбой Султонбоев, 30 ёшда, сурункали гломерулонефрит ташхиси билан 2021 йил апрель ойидан режали гемодиализ сеанслари олиб келган.

Беморларни амалиётга тайёрлаш ва юқори масъулият талаб қиладиган амалиётдан кейинги парвариш олий тоифали шифокор, вилоят бош трансплантологи Рохатой Гоипова ва ВКТТМ нефрология бўлими бошлиғи, Саудия Арабистони клиникасида малака оширган нефролог Дилшодбек Сапаевлар томонидан олиб борилди. Ҳозирда ҳар иккала бемор ва уларнинг донорларининг соғлиғи яхши.

-Бундан буён вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти мунтазам равишда ўтказилади. Амалиёт хонасини зарур жихозлар билан тўлдириш ҳамда мутахассислар малакасини чет элда ошириш режалаштирилган,-дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Шухрат Эгамбердиев.

Холжон ЯКУБОВА

Перинатал марказ: янгича шароит, янгича фаолият

Инвестиция дастури асосида Хоразм вилоят перинатал марказида олиб борилган қурилиш-реконструкция ишлари якунланди. 20 миллиард 180 миллион сўмликдан зиёд бунёдкорликлар амалга оширилиб, қабул диагностика, лаборатория, поликлиника ва асоратли ҳомиладорлар бўлимлари бинолари барпо этилди.

Вилоят перинатал марказининг янгиланган биносида тиббиёт ходимлари ва беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Марказ бўлимлари орасида боғлиқликни таъминлаш мақсадида ички йўлак қурилди. Замонавий лифт ишга туширилди. Ҳар бир палата алохида санитария гигена хоналарига эга бўлди. Шинам овқатланиш хоналари, кузатув хоналари барпо қилинди. Ҳар бир бўлим олдида замонавий қулайликларга эга "кутиш жойлари", кириш жойларида ногиронлар учун алохида йўлаклар ташкил қилинди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда вилоят перинатал марказида қатор янги даволаш услублари жорий қилиниши натижасида оналик ва болаликни мухофаза қилишда кўплаб ютуқларга эришилди. Жумладан, ўта кам ва кам вазнли чақалоқларнинг яшаш имконияти оширилди, инфекцион назорат кучайтирилди. Неонатал хирургия йўналиши бўйича чақалоқларда ўтказиладиган амалиётлар ҳажми кенгайтирилди, амалиётдан кейинги парвариш яхшиланди. Марказда даволанаётган аёллар ва чақалоқларда касаллик даражаларини аниқлаш мақсадида янги қон таҳлили анализатори келтирилиши натижасида қон таҳлиллари тури ва ҳажмига кўпайди. Аёлларда гинекологик ва бошқа касалликларни даволаш мақсадида замонавий лапароскоп ва гистероскоп аппаратлари келтирилди. Юқори технологик амалиётларни қўллаш натижасида 90 фоиз оғир асоратли аёлларда репродуктив функция сақланиб қолинмоқда.

-Бу каби янгиланишлар оналик ва болалик мухофазасида муҳим аҳамият касб этмоқда, - дейди марказ директори, тиббиёт фанлари доктори Саломат Матқурбова. - Жамоамиз яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланган ҳолда бу юқадан фаолиятини янада такомиллаштиради. Муассасамизга мурожаат қилган хар бир аёл ўз орзусига эришиши учун барча имкониятларни ишга соламиз.

Ўз мухбиримиз